

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ  
«БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ» КАФЕДРАСИ**

**«МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ»**

**ФАНИДАН МУСТАҚИЛ ИШЛАРНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА  
УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР**

**5340900 – «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши биринчи  
босқич талабаларига мўлжалланган**

**САМАРҚАНД – 2010**

Ҳ.Н.Мусаев. Мутахассисликка кириш. Мустақил ишларни бажариш бўйича услубий кўрсатмалар. – Самарқанд, СамИСИ, 2010, 26 б.

Мазкур услубий иш «Мутахассисликка кириш» фанидан талабаларнинг мустақил ишларини ташкил қилиш масалаларига бағишланган бўлиб Давлат таълим стандартлари ва фан дастури талаблари асосида тайёрланди. Ишда фан бўйича мустақил ишларнинг мазмуни, аҳамияти ва уларни бажариш бўйича услубий кўрсатмалар кенг ўрин олган.

Услубий кўрсатмалар 5340900 – «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши биринчи босқич талабаларига мўлжалланган. Ундан бошқа таълим йўналишлари талабалари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Услубий кўрсатмаларни тайёрлашда бошқа фанлар бўйича ушбу масалага оид чоп этилган ишлардан фойдаланилди.

#### ТАҚРИЗЧИЛАР:

Д.Р.Рофеев - и.ф.н., доцент (СамИСИ)

А.И.Аликулов - и.ф.н., доцент (СамҚХИ)

«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедрасининг 2010 йил 30 январдаги йиғилишида муҳокама қилинган ва маъқулланган (7-сонли баённома).

Институт ўқув – услубий кенгашининг 2010 йил 30 январдаги йиғилиши қарори билан чоп этишга тавсия этилган (5-сонли баённома).

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Ҳ.Н. Мусаев

**“Ўқиб ўрганилган ҳар бир ҳунар,  
Ҳунармандга бир кун фойда келтирар” .**

Низомий Ганжавий

## **КИРИШ**

Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган кадрлар сиёсати ишлаб чиқилган, малакавий мутахассислар тайёрлашнинг ҳуқуқий асослари яратилган. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури», узлуксиз таълим стандартлари шулар жумласидандир. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги қонунида: «Ушбу Қонун фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб – ҳунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди ҳамда ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган» деб эътироф этилган<sup>1</sup>.

Бозор иқтисодиёти шароитида кўп мулкчиликка асосланган корхона ва ташкилотларнинг сони тобора ошиб бормоқда. Бу ўз навбатида, янги шароитга мос келадиган мутахассислар тайёрлашни муҳим вазифалардан қилиб қўяди. Бугунги кунда иқтисодчи – бухгалтерлар, ички ва ташқи аудиторларга талаб тобора ошиб бормоқда. Корхона мулкчини сақлашда, улардан самарали фойдаланишда бухгалтерлар ва аудиторлар муносиб ҳисса кўшмоқдалар. Корхона тасарруфидаги барча маблағлар тўғри шаклланган ва қабул қилинган қонун – қоидаларга мос равишда фойдаланган бўлиши керак. Ушбу вазифаларнинг тўлиқ бажарилиши корхона бухгалтерларига ва дахлсиз аудиторларга бевосита боғлиқдир.

Бозор иқтисодиётининг ҳозирги босқичида глобал молиявий инқироз ҳукм сурмоқда. Жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини камайтириш, миллий иқтисодиётнинг изчил ўсишини таъминлаш барча хўжалик юритувчи субъектлар ва соҳа мутахассисларининг муҳим вазифасига киради. Президентимиз Ислон Каримов эътироф этганларидек: «Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда иқтисодиётимиздаги ҳар қайси субъектнинг имкон қадар кўпроқ манфаатдор бўлиши, ушбу дастур ижроси уларнинг ҳар бири учун энг муҳим ишга айланишини таъминлаш мақсадида кўшимча рағбатлантириш чораларини излаб топиш катта аҳамият касб этади»<sup>2</sup>. Ушбу вазифаларнинг амалга оширилиши бўлғуси мутахассисларнинг ўз касбикорларини мукамал билишлари, амалий фаолиятларида тўғри қарор қабул қилишларини тақозо қилади.

Институтда таҳсил олаётган 5340900- «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши талабаларининг ўқув режасида «Мутахассисликка кириш» фанини ўрганиш кўзда тутилган. Мазкур фаннинг мақсади бўлғуси

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Ўонуни, 1997 йил 29 август.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. 36 б.

мутахассисларга «Мутахассисликка кириш» фанининг предмети ва услуги, таълим соҳасининг ташкилий – ҳуқуқий асосларини ўргатишдан иборат. Фаннинг асосий вазифалари талабаларга олий таълим тизими, унинг турлари ва шакллари, ўқув жараёнида илғор педагогик технологиялар, ўқитишнинг ахборот манбалари, маърузалар ҳамда амалий машғулотларнинг мазмунини ва мустақил ишларни ташкил қилиш тартиби билан яқиндан таништиришдан иборат. Ушбу фан орқали «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши бўйича илмий рефератлар, курс ишлари ва битирув малакавий ишларини тайёрлаш, талабаларнинг амалий кўникмалари, фанлар бўйича талабалар билимини баҳолаш (рейтинги) масалалари ўрганилади.

«Мутахассисликка кириш» фанини ўқитиш шакллари ва технологияси таркибида талабаларнинг мустақил иши масалалари алоҳида ўрин тутди. «Мустақил иш муайян фандан ўқув дастурида белгиланган ҳамда талаба томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган билим, кўникма ва малаканинг маълум бир қисми бўлиб, ўқитувчи маслаҳати ва тавсиялари асосида аудиторияда ёки аудиториядан ташқарида бажарилади»<sup>1</sup>. Талаба мустақил иш туфайли келажакда касбий муаммоларни мустақил ҳал қилишга ўрганади ва амалиётга тез мослашади.

Мазкур услубий иш «Мутахассисликка кириш» фанидан талабаларнинг мустақил ишларини ташкил қилиш, бажариш тартиби, уларнинг назорати ва баҳоланиши масалаларини ўз ичига олади. Услубий кўрсатмалар 5340900 – «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналишининг биринчи босқич талабаларига мўлжалланган бўлиб ундан бошқа таълим йўналиши талабалари ҳам фойдаланишлари мумкин. Иш и.ф.д., проф. Ҳ.Н.Мусаев томонидан тайёрланди. Услубий кўрсатмаларни тайёрлашда олий таълим соҳасига оид меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланилди.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий ва ЁМТВ Қайғати томонидан 2009 йил 21 февралдаги 2/7 – сонли қарори билан тасдиқланган «Фаннинг наъви – методик мажмуаси таркиби». – Т.: ЎзР. Олий ва ЁМТВ, 2009, 226.

# **I. «МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ» ФАНИНИНГ MAЗМУНИ, АҲАМИЯТИ ВА КАСБИЙ МАҲОРАТНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ТУТГАН ЎРНИ**

Талаба - ёшлар олий таълим тизими орқали алоҳида касбий малакага, ижодкорлик ва ташаббускорлик ҳислатларга эга бўладилар. Таълим босқичларида ўрганиладиган фанлар туфайли талабаларда касбий маҳорат ва амалий кўникмалар шаклланади. Ушбу жараён олий таълим муассасасида таҳсил олаётган талабаларда ўқитишнинг дастлабки босқичларданок содир бўлади. Чунки, турли таълим йўналишлардаги талабалар биринчи босқичда «Мутахассисликка кириш» фанини ўрганадилар. Олий ўқув юртларида 5340900 – «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналишининг биринчи босқич талабалари ўқув режасининг V – «Қўшимча фанлар» қисми (блоки)да «Мутахассисликка кириш» фанини ўрганадилар. Ушбу фан орқали талабалар олий таълим тизими, ўқув жараёни, ўқитиш шакллари ва технологиялари, таълим йўналиши бўйича амалий кўникмалар, илмий – тадқиқотлар ва мустақил ишлар, талабалар билимини назорат қилиниши ва рағбатлантирилиши (баҳоланиши) масалалари билан яқиндан танишадилар. Мазкур фан орқали талабалар мамлакатимизда олиб борилаётган кадрлар тайёрлаш сиёсати, таълим тизимининг меъёрий – ҳуқуқий асослари ва таълим – тарбия жараёнининг бошқарилиши тўғрисида маълум билимга эга бўладилар.

Бакалавр даражасини олишга даъвогар бўлган 5340900 – «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши талабалари «Мутахассисликка кириш» фанидан куйидагиларни билишлари зарур бўлади:

- Бозор иқтисодиёти шароитида Давлатнинг Кадрлар тайёрлаш сиёсатини мукамал билиш.
- Мулкларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш шароитида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг устивор йўналишларини билиш.
- Олий таълим тизими, унинг таркиби, ҳуқуқий асослари, таълим турлари ва шакллари билан яқиндан танишиш.
- Ўқитиш турлари ва шакллари, уларга қўйиладиган талабларни билиш.
- «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши мутахассислигининг хусусияти, унга қўйиладган талабларни билиш.
- Таълим йўналиши бўйича ўрганиладиган фанлар таркиби, назария билан амалиётнинг уйғунлигини билиш.
- Илмий ахборотлар (рефератлар), курс ва битирув малакавий ишларни тайёрлаш тартиби билан танишиш.
- Фанларни ўзлаштиришда ахборот ресурс маркази захираларидан фойдаланишни билиш.
- Талабанинг мустақил иши, уни ташкил этиш тартиби, шакллари ва бажарилишини чуқур билиш.
- Фанлардан талабалар билимининг назорат қилиниши, рейтинг тизими ва баҳолаш мезонлари билан яқиндан танишишдан иборат.

«Мутахассисликка кириш» фани Давлат таълим стандартларида кўзда тутилган бир қанча фанлар билан узвий боғлиқдир. Шу боис талабалар мазкур фанни ўрганишда қуйидаги фанларга ҳам эътибор беришлари керак: «Хуқуқшунослик», «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси», «Иқтисодиёт назарияси», «Ўзбекистон тарихи», «Олий математика», «Информатика ва ахборот технологиялари», «Иқтисодий география ва экология», «Иқтисодий таълимотлар тарихи», «Ўзбек тили», «Социология», «Чет тили». Ушбу фанлар ўзаро боғланган ҳолда ўрганилади ва бир – бирини мантикий жиҳатдан тўлдириб боради.

## **II. «МУТУХАССИСЛИККА КИРИШ» ФАНИНИ ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ**

Таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурига асосан ўқитиш босқичларида аниқ фанлар маълум кетма – кетликда ўрганилади. Фанларни ўқитиш турлари ва шакллари қуйидагиларга бўлинади. Ўқитиш турлари:

- назарий билим бериш;
- амалий билим бериш;
- мустақил равишда таълим олиш.

Талабаларга назарий билим бериш фан мавзулари бўйича маърузлар орқали амалга оширилади. Маърузаларнинг мақсади ва вазифаси бўлгуси мутахассисларга назарий жиҳатдан билим бериш, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимини топишдан иборат. Маърузаларда мазкур фаннинг сўнгги ютуқларидан кенг фойдаланилади.

Амалий машғулотлар назарий жиҳатдан олинган билимларни амалиётда қўллаш ва шу йўл билан амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган. Амалий машғулотлар мавзу бўйича аниқ топшириқларни бажариш, хўжалик вазиятларни ҳал қилишга қаратилган бўлади.

Талабанинг мустақил равишда таълим олиши мустақил иш орқали амалга оширилади.

Мустақил иш орқали фан мавзуларининг алоҳида масалалари талаба томонидан мустақил равишда ўрганилади.

Олий ўқув юртларида ўқув шакллари қуйидагиларга бўлинади:

- кундузги ўқув шакли (ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда);
- сиртқи ўқув шакли (ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда);
- масофавий ўқув шакли.

Ўқув шакллари таълим йўналишлари ва мутахассисликларнинг хусусиятларидан келиб чиқади.

«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши бўйича «Мутахассисликка кириш» фанининг ҳажми ва таркиби қуйидаги мазмунга эга (1-жадвал):

1 – жадвал

**«Мутахассисликка кириш» фанининг ҳажми ва таркиби**

№	Машғулот тури	Ажратилган соат	Семестр
1	Назарий (маърузалар)	22	I
2	Амалий машғулотлар	24	I
3	Мустақил иш	28	I
	<b>Жами</b>	<b>74</b>	<b>I</b>

«Мутахассисликка кириш» фанининг мавзулари куйидаги тартибда тақсимланган (2 – жадвал):

2 – жадвал

**| Ўқув юкларининг соатларининг мавзулар бўйича тақсимоти**

№	Мавзу номи	Жами соат	Шундан		
			Маърузалар	Амалий машғулотлар	Мустақил иш
1	«Мутахассисликка кириш» фанининг предмети ва методи	7	2	2	3
2	Олий таълимда ўқув жараёни ва унинг бошқарилиши	6	2	2	2
3	Иқтисодий эркинлаштириш ва жадал ривожлантиришда бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг туган ўрни	6	2	2	2
4	«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши бўйича ўрганиладиган фанлар	7	2	2	3
5	Фанларни уқитиш методикаси ва Шакллари	7	2	2	3
6	Ўқув жараёнида уқитишнинг илғор педагогик технологиялари	7	2	2	3
7	Фанларни урганишда техник воситалар ва ахборот манбаларидан фойдаланиш	6	2	2	2
8	«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши талабаларининг амалий куникмалари	6	2	2	2
9	«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши талабаларининг илмий ахборотлари (рефератлари), курс ва битирув малакавий ишлари	9	2	4	3
10	Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил қилиш ва утказиш методикаси	7	2	2	3

11	Фанлардан талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш методикаси	6	2	2	2
Жами		74	22	24	28


Ўқув жараёнида «Мутахассисликка кириш» фанини ўрганиш бевосита маърузаларда, амалий машғулотларда иштирок этиш, мавзулар бўйича тавсия этилган саволларни мустақил ўрганиш орқали амалга оширилади. Маъруза ва амалий машғулотларда суҳбатлар, долзарб масалаларда мунозаралар (дискуссиялар), савол – жавоблар ўтказилиб борилади, мавзулар бўйича кейслар бажарилади. Машғулотларни ўтказишда амалиёт маълумотларига асосан ўқитишнинг интерфаол шаклларида «Ақлий ҳужум», «Блиц ўйин», «ФСМУ (Фикрлаш, сабабини баён этиш, мисоллар келтириш, умумлаштириш)» дан ҳамда бухгалтерия ҳисобининг меъёрномаларидан, компьютер воситаларидан кенг фойдаланилади. Айрим мавзуларнинг мазмун – моҳияти интернет маълумотлари орқали ўзлаштирилади.

Фан бўйича талабалар билимини назорат қилиш рейтинг тизими орқали амалга оширилади. Рейтинг шартларига асосан талабалар жорий назорат («ЖН»), оралиқ назорат («ОН») ва якуний назорат («ЯН») ларни топширадилар.

«Мутахассисликка кириш» фанининг ўқитиш технологияси мазмунини қуйидагича ифодалаш мумкин (1 – чизма)<sup>1</sup>:

Мазкур ўқитиш технологияси таълим шакллари, таълим воситалари, назарий ва амалий машғулотлар ҳамда мустақил ишни ўз ичига олади

<sup>1</sup> Намуна сифатида ЎзР Олий ва ЁМТВ нинг «Фаннинг ыъув – методик мажмуаси» дан фойдаланилди. – Т.: ЎзР.Олий ва ЁМТВ, 2009, 37 б.



1 – чизма. «Мутахассисликка кириш» фанини ўқитиш технологияси.

### III. ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШЛАРИНИНГ МАЗМУНИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ

Фанларни назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш жараёнида айрим масалалар талабалар томонидан мустақил равишда ўрганилади. Ушбу масала ёки саволнинг мазмуни ўрганилаётган фан, маърузаларнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқади. Талабаларнинг мустақил ишлари меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар, йўриқномаларни чуқур ўрганиш, назарий ва амалий машғулотларнинг айрим топшириқларини бажаришга қаратилган бўлади. Мустақил иш мазмуни алоҳида фан хусусиятидан келиб чиқади. Мисол учун, аудиторияда бажарилган ҳисоблаш ишларнинг маълум қисмини мустақил равишда бажариш, буюм ёки маҳсулот шаклини (макетини) мустақил тайёрлаш, чизмалар, жадвалларни мустақил тайёрлаш, ҳисоботлардаги кўрсаткичларни мустақил таҳлил қилиш, алоҳида мавзу ёки савол бўйича илмий ахборот (реферат) тайёрлаш ва ҳоказо.

Талаба мустақил ишининг аҳамияти шундаки, назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилган масалалар меъёрий ҳужжатлар ва бошқа қўшимча манбалар орқали чуқур ўрганилади, натижада талабалар тўлиқ билимга эга бўладилар ва бўлғуси мутахассиснинг касбий маҳорати тез шаклланади.

Талаба мустақил ишнинг вазифалари асосан қуйидагилардан иборат<sup>1</sup>:

- фан бўйича билимларни талаба томонидан мустақил равишда ўрганиш;
- қўшимча маълумотларни топишнинг қулай усул ва воситаларини аниқлаш;
- ахборот манбаларидан самарали фойдаланиш;
- илмий ва ўқув адабиётлари билан мустақил равишда ишлашга ўрганиш;
- меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунини чуқур ўрганиш;
- олинган маълумотларни мустақил равишда таҳлил қила олиш;
- топшириқларни бажаришда тизимли ва ижодий ёндошиш;
- янги ғояни асослаш ва ҳимоя қилиш;
- электрон маълумотлардан самарали фойдалана олиш;
- тадқиқот натижалари бўйича илмий маърузалар қилиш ва ўз хулосаларини асослаш;
- ижод натижаларини амалиётда қўллашдан иборат.

#### **IV. ТАЛАБА МУСТАҚИЛ ИШИНING ТАШКИЛИЙ ШАКЛЛАРИ**

Талабанинг мустақил иши шакллари ўрганилаётган фанларнинг хусусиятларидан келиб чиқади.

Гуманитар ва ижтимоий фанлар бўйича талабанинг мустақил иши классик манбаларни чуқур ўрганишга қаратилган бўлса, умумқасбий фанлар бўйича мазкур фанларнинг назарий жиҳатлари кўпроқ мустақил равишда ўрганилади. Ихтисослик фанларидан эса талабалар илмий ахборотлар (рефератлар), курс ва битирув малакавий ишларни мустақил равишда бажарадилар.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий ва ЁМТВ нинг «Талаба мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисида намунавий Низом», 2005 йил 21 феврал.

Меъерий ҳужжатлар ва махсус адабиётларда талаба мустақил ишининг ташкилий шакллари ва турлари қуйидагича ифодаланган<sup>2</sup>:

- айрим назарий масалаларни илмий манбалар махсус адабиётлардан мустақил равишда ўрганиш ва ўзлаштириш;
- семинар ва амалий машғулотларга мустақил равишда тайёргарлик кўриш;
- мавзунинг долзарб масалаларида илмий ахборот (реферат)лар ёки илмий мақолалар тайёрлаш;
- мавзунинг маълум саволлари бўйича ёзма жавоблар тайёрлаш;
- корхона маълумотларини таҳлил қилиш;
- меъерий – ҳуқуқий ҳужжатларнинг (қонунлар, қарорлар, йўриқномалар) мазмунини чуқур ўрганиш;
- курс ишларини бажариш;
- битирув малакавий ишини бажариш;
- амалиёт бўйича ҳисоботлар тайёрлаш.

«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналишининг биринчи босқич талабалари «Мутахассисликка кириш» фанидан асосан меъерий – ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунини мустақил равишда чуқур ўрганадилар, фан мавзулари бўйича ахборот (реферат)ларни тайёрлайдилар ва амалий машғулотларга тайёрланадилар. Ушбу жараёнда қонунлар, қарорлар, маърузалар ва тарқатма материалларнинг мазмунидан кенг фойдаланилади.

## **V. «МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ» ФАНИ БЎЙИЧА МУСТАҚИЛ ИШНИ БАЖАРИШ ТАРТИБИ**

Таълим йўналишларининг намунавий ва ишчи ўқув режалари ҳамда фаннинг ишчи дастурида талаба мустақил ишнинг ҳажми (ажратилган вақт) ифодаланган бўлади. Ишчи ўқув дастурида ҳар бир мавзу бўйича мустақил ўрганишга мўлжалланган саволлар, уларни ўзлаштириш тартиби батафсил келтирилади. «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши талабалари «Мутахассисликка кириш» фани бўйича мустақил иш жараёнида таълим тизимининг меъерий – ҳуқуқий асосларини ўрганадилар, тавсия этилган адабиётлар билан яқиндан танишадилар, алоҳида масалалар бўйича эса ёзма ахборот (реферат)лар тайёрлайдилар. Ушбу мақсадлар учун фан дастурида 32 соат вақт ажратилган.

Талабаларнинг «Мутахассисликка кириш» фани бўйича мустақил ишига мўлжалланган саволлар қуйидагилардан иборат (3-жадвал):

3 – жадвал

«Мутахассисликка кириш» фани бўйича мустақил ишга ажратилган саволлар ва уларга ажратилган вақт

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий ва ЁМТВ нинг «Талаба мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисида намунавий Низом», 2005 йил 21 феврал.

№	Мустақил ишга мўлжалланган саволларнинг мазмуни	Ажратилган вақт (соат)
1	«Мутахассисликка кириш» фанинг бошқа фанлар билан ўзаро алоқаси	1
2	Педагог – бухгалтерларни тайёрлашда «Мутахассисликка кириш» фанининг тутган ўрни	1
3	Иқтисодий таълимнинг хусусиятлари ва вазифалари	1
4	Олий таълимда ўқув жараёнининг бошқарилиши	2
5	Математик ва табиий – илмий фанлар, уларнинг мазмуни	2
6	Кўшимча фанларнинг мазмуни	2
7	Амалий ва семинар машғулотларига тайёрланишда адабиётлар ва маърузалардан фойдаланиш	2
8	Ўқитиш шакллари ва турлари	1
9	Ўқитиш технологияларининг услубий таъминоти	1
10	Ўқитиш технологияларида назария билан амалиётнинг уйғунлашуви	2
11	Фан мавзуларидан слайдлар, жадваллар ва чизмалар тайёрлаш	2
12	Фанларни ўзлаштиришда интернет тармоғидан фойдаланиш	2
13	Талабаларнинг амалий кўникмалари	2
14	Талабаларда касбий маҳоратнинг шаклланишида меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларнинг тутган ўрни	2
15	Талабалар илмий – тадқиқот ишларининг аҳамияти ва турлари	2
16	Талабаларнинг илмий – тадқиқот ишларида иштироки	1
17	Талабанинг мустақил иши тўғрисидаги Низомнинг мазмуни	2
18	Мустақил иш режаси, унинг тузилиши ва бажарилиши	1
19	Талабалар билимини баҳолаш мезонлари	2
20	Талабалар билимини назорат қилиш шакллари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги	1
	Жами	32

Талабалар мустақил ишга мўлжалланган саволларни қуйидаги тартибда ўрганадилар:

- мавзулар бўйича маърузаларнинг мазмунидан фойдаланилади;
- мустақил иш саволлари тавсия қилинган меъёрий ҳужжатлар ва махсус адабиётлар орқали ўзлаштирилади;
- назарий ва амалий машғулотларда мавзу бўйича берилган топшириқлар бажарилади;
- институт ахборот ресурс марказидаги манбалар орқали айрим савол (мавзу)нинг мазмуни ўрганилади;
- алоҳида мавзу ёки савол бўйича ёзма ахборот (реферат) тайёрланади;
- муаммоли масала (савол)ни ўзлаштириш учун ўқитувчидан маслаҳат (консультация) олинади;

- кўйилган топшириқнинг ечимини топиш учун маълумотлар таҳлил қилинади;
- мустақил иш учун мўлжалланган саволларга ёзма жавоблар тайёрланади;
- мустақил равишда жадваллар, чизмалар тайёрланади ва улар амалий машғулотларда фойдаланилади.

Талаба мустақил ишга тавсия қилинган саволларни чуқур билиши учун, даставвал ушбу масаланинг назарий жиҳатларини манбалардан мукамал ўрганиши керак бўлади. Мустақил иш бўйича ёзма ахборотлар (рефератлар) талабалар томонидан илмий раҳбар ёрдамида тайёрланади. Шу мақсадларда уларга илмий раҳбарлар тайинланади. Рефератларнинг мавзулари 1-иловада келтирилди.

Талабанинг илмий реферати режага асосан тайёрланиб ўртача 12-15 бет ҳажмида бўлиши мумкин.

Ишнинг кириш қисмида мавзу (масала)нинг аҳамияти, долзарблиги, мақсад ва вазифалари ёритилади. Кейинчалик, кўйилган саволларнинг мазмуни ифодаланади. Саволларни ёритишда талаба ўз фикр – мулоҳазаларини ва таклифларини беради. Ишнинг сўнгида фойдаланган адабиётлар ва бошқа манбалар илова шаклида келтирилади. Ёзма ахборот (реферат)нинг намунавий режаси 2 – иловада келтирилди. Тайёрланган реферат қабул қилинган тартибда расмийлаштирилади ва илмий раҳбарга тақриз учун топширилади. Талабанинг мустақил равишда тайёрлаган ёзма ахбороти (реферати)ни расмийлаштириш тартиби 3-4 – иловаларда келтирилди. Илмий раҳбар ёзма иш билан яқиндан танишиб ўз фикр – мулоҳазаларини билдиради (тақриз ёзади). Реферат талаба томонидан ҳимоя қилинади. Ҳимоя натижалари фан рейтингига кўшилади.

## **VI. МУСТАҚИЛ ИШНИНГ АХБОРОТ МАНБАЛАРИ**

Талабаларнинг мустақил ишлари учун ахборот манбалари фан бўйича ишчи дастурда кўрсатилади. Ушбу манбалар, фан хусусиятидан келиб чиқиб қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- фаннинг ишчи режаси;
- фаннинг ишчи дастури;
- мустақил иш учун тавсия қилинган саволлар;
- мустақил равишда бажариладиган ёзма ахборот (реферат)ларнинг мавзулари ёки саволлари;
- талабаларнинг мустақил ишларини бажариш бўйича услубий кўрсатмалар;
- меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар;
- ўқув адабиётлари;
- интернет маълумотлари;
- амалиёт маълумотлари.

Талабанинг мустақил иши учун асосий манба – бу ўқув адабиётлари ҳисобланади. Буларга фан бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалари, машқлар (масалалар) тўплами, маърузалар курси, маърузаларнинг матнлари, услубий қўлланмалар, изоҳли луғатлар, тест савол – жавоблари киради. Талабалар ушбу манбаларга эга бўлишлари ва самарали фойдаланишлари керак. Бугунги кунда фанларни чуқур ўрганишда электрон таълим ресурсларининг аҳамияти кескин ошиб бормоқда. Бу соҳада электрон дарсликлар, электрон ўқув қўлланмалари, виртуал лавҳалар (стендлар), ўқув фильмлари, интернет тармоғи маълумотларидан фойдаланиш катта самара келтиради. «Мутахассисликка кириш» фанини ўрганишда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури», «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида», «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунлар, Олий ва ЎМТВ нинг таълим соҳасига оид меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларини ўрганиш ижобий натижалар беради. Талабаларнинг мустақил ишлари учун тавсия этилган меъёрий ҳужжатлар ва адабиётлар ишда келтирилди.

## **VII. ТАЛАБА МУСТАҚИЛ ИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ**

**Талаба мустақил** ишини ташкил қилиш, бажарилишини таъминлаш фан бўйича маърузачи ва амалий машғулотларни олиб борувчи ўқитувчи зиммасига юклатилган. Талабаларнинг курс ва битирув малакавий ишларига раҳбарлик қилиш бўйича ажратилган соатлар профессор – ўқитувчиларнинг ўқув юкламалари таркибида келтирилган бўлади.

Талабаларнинг мустақил ишларини назорат қилиш назарий ва амалий машғулотлар жараёнида ҳамда аудиториядан ташқари ҳолларда амалга оширилади.

Мустақил иш натижалари фаннинг жорий, оралик назорати таркибига киритилади ва рейтинг тизими орқали баҳоланади.

Талабаларнинг ёзма курс ва битирув малакавий ишлари тасдиқланган махсус комиссия иштирокида ҳимоя қилинади ва балл берилади (баҳоланади).

Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил қилиш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш масалалари гуруҳнинг ва кафедранинг йиғилишларида муҳокама қилиб борилади. Талабаларнинг мустақил равишда бажарган ёзма ишлари ўқув йили давомида кафедрада сақланади. Курс ишлари ҳамда битирув малакавий ишлари эса тегишли меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида институт архивида сақланади.

Фанлардан мустақил ишларда фаол иштирок этган ва юқори баҳо (балл) олган талабалар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилиб борилади.

## **ТАВСИЯ ЭТИЛГАН МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

- 1..Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Т.: Ўзбекистон, 2008.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Т.: 1997 йил 29 август.
- 3.Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури». Т.:

1997 йил 29 август.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни, Т.: 1996 йил 30 август.

5. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни (кейинги ўзгаришлар билан) Т.: 2000 йил 26 май.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Олий таълим тўғрисидаги Низоми», 1998 йил 30 октябр, 305 -сонли буйруқ.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Олий ўқув юртлари кафедралари тўғрисидаги Низоми», 1998 йил, 5 декабр, 343-сонли буйруқ.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Давлат олий ўқув юртининг намунавий устави», 1999 йил, 15 январ, 15-сонли буйруқ.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Таълим сифатини оширишга қаратилган инновациялар тўғрисида»ги 2003 йил 14 май 115-сонли буйруғи.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Иқтидорли талабаларни излаш, аниқлаш ва уларни мақсадли тайёрлаш тўғрисидаги Низоми», 1998 йил 10 июль, 185-сонли қарор.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Талаба мустақил ишини ташкил этиш тўғрисидаги Низоми »,2005 йил 21 февралдаги 34-сонли буйруқ.

12. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг «Талабалар билимини рейтинг тизими асосида баҳолаш натижаларини расмийлаштириш, қайдномалар, журналларни юритиш ва назорати тўғрисида»ги буйруғи (2007 йил январ).

13. Каримов И.А. Баркамол авлод- Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида 1997 йил 29 августдаги сўзлаган нутқи. - Ш.Қурбонов ва бошқалар. Баркамол авлод орзуси («Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни амалга ошириш борасидаги публистик мулоҳазалар). - Т.: «Шарқ» нашриёт - матбаа концерни, 1998.

14. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Т.: «Маънавият», 2008.

15. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. - Т.: «Ўзбекистон», 1997.

16. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: Ўзбекистон», 1998.

17. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида. -Т.: «Ўзбекистон», 1995.

18. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: «Ўзбекистон», 2009, 56б

19. Жониматова Х. Абу Али Ибн Сино таълим-тарбия тўғрисида. Ўқув қўлланма. -Т.: «Ўқитувчи». 1990.
19. Қудратов Р.Х., Мусаев Ҳ.Н. Туризм бизнеси учун рақобатбардош мутахассис кадрлар тайёрлаш масалалари, -Халқаро илмий - амалий конференция материаллари: «Проблемы образования и занятости молодежи», Самарқанд, СамИСИ, Менежментни ўқитиш Халқаро Маркази, 2007 йил 20-21 декабр.
21. Қурбонов Ж.М. Илмий изланиш асослари. Маъруза матнлари. Самарқанд, СамКИ, 2003.
22. Қурбонов Ж.М: Илмий ижод методологияси. Маъруза матнлари. Самарқанд, СамИСИ, 2005.
23. Мусаев Ҳ.Н. Баркамол авлод – юрт келажаги. – «Халқ сўзи», 2010 йил 2 феврал.
24. Мусаев Ҳ.Н. Хизмат кўрсатиш ва сервис ривожини мутахассислар салоҳиятига ҳам боғлиқ. - «Халқ сўзи», 2006 йил 30 июнь.
25. Мусаев Ҳ.Н. ва бошқалар. Раҳбарлик қобилияти ишни кўзини биладиган, иймон - эътиқодли, бағрикенг халқнинг бунёдкор кучидан, катта интеллектуал имкониятларидан фойдаланишга боғлиқ. -«Ўзбекистон овози», 2006 йил 9 ноябр.
25. Мусаев Ҳ.Н. Таълимда ислохотлар қандай кечмоқда? - «Халқ сўзи», 1994 йил 8 июн.
26. Мусаев Ҳ.Н. Мутахассис кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш: натижалар, муаммолар ва ечимлар. Халқаро илмий - амалий конференция материаллари: «Сервис и туризм: проблемы управления и развития», Самарқанд, СамИЭИС, 4-6 сентябрь 2007 года.
27. Мусаев Ҳ.Н. Бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисоби. - Бозор, пул ва кредит, 2005, №4. 54-56 бетлар.
28. Мусаев Ҳ.Н. Иқтисодий ислохотлар жараёнида аудит. - Бозор, пул ва кредит, 1998, №5 56-57 бетлар.
29. Мусаев Ҳ.Н., Зайналов Ж.Р. Реформирование системы подготовки специалистов в Республике Узбекистан. - Материалы международ, научно - практической конференции: «Проблемы теории и практики экономической безопасности страны». Украина, Полтавский университет потребительской кооперации. Полтава, 24-25 апреля 2007 г, с. 165-167.
30. Мусаев Ҳ.Н. Малакали мутахассис кадрлар тайёрлашнинг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари. – Халқаро илмий конференция материаллари: «Проблемы образования и занятости молодежи», Самарқанд, МЎХМ, 2009 йил 22 декабр, 147-150 бетлар.
31. Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 2004.
32. Тўлаҳўжаева М.М. Ўзбекистон Республикасида молиявий назорат тизими. – Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 1998.
33. Темур тузуклари. – Т: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1996.
34. Ташназаров С.Н. Халқаро ҳисоб асослари. Ўқув қўлланма. СамИСИ,

2009.

## **ИЛОВАЛАР**

**1 - илова**

**«МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ» ФАНИДАН ЁЗМА  
АХБОРОТ (РЕФЕРАТ) ЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН**

## МАВЗУЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, унинг моҳияти, аҳамияти ва таркиби
2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури», унинг таркиби ва аҳамияти
3. «Мутахассисликка кириш» фанининг предмети ва объектлари
4. Олий таълимда ўқув жараёнининг ташкил этилиши ва бошқарилиши
5. Олий таълимда ўқув жараёнининг турлари ва шакллари
6. «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши бўйича ўрганиладиган фанларнинг таркиби
7. Ўқув жараёнида ўқитишнинг илғор педагогик технологиялари
8. Фанларни ўрганишда ахборот манбаларидан фойдаланиш
9. Фанларни ўрганишда назария ва амалиётнинг уйғунлашуви
10. Фанларни ўқитиш методикаси: маърузалар, амалий ва семинар машғулоти
11. «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши бўйича амалий кўникмалар ва касбий маҳоратнинг шаклланиши
12. Фанларни ўрганишда ва компьютер воситаларидан фойдаланиш
13. Талабаларнинг илмий ахборотлари (рефератлари) ва уларни тайёрлаш тартиби
14. Талабаларнинг фанлардан курс ишлари ва уларни тайёрлаш тартиби
15. Талабаларнинг битирув малакавий ишлари ва уларни тайёрлаш тартиби
16. Талабаларнинг махсус ( ихтисослик) фанлар бўйича адабиётлар билан ишлаш методикаси
17. Талабаларнинг мустақил иши, унинг аҳамияти ва ташкил этилиши
18. Талабалар мустақил ишларининг турлари ва шакллари
19. Мустақил ишлар бўйича вазифаларнинг бажарилиши, назорати ва баҳоланиши
20. Фанлардан талабалар билимини назорат қилиш тартиби ва баҳоланиши
21. Фанларнинг рейтинг тизими, унинг мазмуни ва ўтказилиш тартиби

22. Фанлар бўйича талабалар билимининг «жорий назорати», «оралиқ назорати» ва «якуний назорати», уларнинг мезонлари
23. Иқтидорли талабалар, уларни аниқлаш тартиби ва мақсадли тайёрланиши
24. «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши мутахассислигига қўйилган талаблар
25. Институтнинг ички тартиб – қоидалари ва уларга амал қилишлик
26. Талабанинг ҳуқуқи, масъулияти ва жавобгарлиги
27. Талабанинг ахлоқи, маънавияти ва дунёқараши
28. Гуруҳ сардори, унинг ҳуқуқлари, масъулияти ва вазифалари
29. Институтда «Устоз ва шогирд» муносабатлари
30. «Менинг касбим – менинг фахрим, менинг ифтихорим».

**2 – илова**

**«Мутахассисликка кириш» фанидан ёзма ахборотлар  
(рефератлар) нинг намунавий режалари**

**Мавзу: Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги  
Қонуни, унинг моҳияти, аҳамияти ва таркиби**

**Режа**

**Кириш**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг моҳияти ва аҳамияти
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг таркиби
3. Ўзбекистонда таълим соҳасидаги ислохотлар  
Хулоса ва таклифлар  
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

**Мавзу: Фанларни ўрганишда ахборот манбаларидан  
фойдаланиш**

**Режа**

**Кириш**

1. Фанларни ўрганиш технологияси
2. Фанларни ўрганишнинг ахборот манбалари
3. Ахборот манбаларидан фойдаланиш тартиби  
Хулоса ва таклифлар  
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

**Мавзу: «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши  
бўйича ўрганиладиган фанларнинг таркиби**

**Режа**

## **Кириш**

1. «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналишининг ўқув режаси ва фанлар таркиби
  2. «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши бўйича ўрганиладиган умумқасбий ва ихтисослик фанлари
  3. Ўрганиладиган фанларнинг ўзаро боғлиқлиги
- Хулоса ва таклифлар  
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

## **Мавзу: Талаба мустақил ишининг шакллари**

### **Режа**

## **Кириш**

1. Талаба мустақил ишининг моҳияти ва аҳамияти
  2. Талаба мустақил ишининг шакллари
  3. Фан бўйича мустақил ишининг бажарилиши ва баҳоланиши
- Хулоса ва таклифлар  
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

## **Мавзу: Фанлардан талабалар билимини назорат қилиш тартиби ва баҳоланиши**

### **Режа**

## **Кириш**

1. Фанларнинг рейтинг тизими
  2. Талабалар билимининг назорат турлари
  3. Талаба билимини баҳолаш мезонлари
- Хулоса ва таклифлар  
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

**3-илова**

**«МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ» ФАНИ БЎЙИЧА  
ЎЗМА АХБОРОТ (РЕФЕРАТ) НИНГ МУНДАРИЖАСИ**

**(«ФАНЛАРДАН ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ НАЗОРАТ  
ҚИЛИШ ТАРТИБИ ВА БАҲОЛАНИШИ» МАВЗУСИ  
БЎЙИЧА)**

**МУНДАРИЖА**

<b>Кириш.....</b>	<b>3</b>
<b>1. Фанларнинг рейтинг тизими.....</b>	<b>5</b>
<b>2. Талабалар билимининг назорат турлари.....</b>	<b>8</b>
<b>3. Талабалар билимини баҳолаш мезонлари.....</b>	<b>11</b>
<b>Хулоса ва таклифлар.....</b>	<b>14</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>16</b>
<b>Иловалар.....</b>	<b>17</b>

Ёзма ахборот (реферат) муқовасини расмийлаштиришнинг  
намунавий шакли

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ» КАФЕДРАСИ

«МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ»

фанидан

«ФАНЛАРДАН ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ НАЗОРАТ  
ҚИЛИШ ТАРТИБИ ВА БАҲОЛАНИШИ»

мавзусидаги

# РЕФЕРАТ

Бажарди: \_\_\_\_\_ курс \_\_\_\_\_ гуруҳ  
талабаси \_\_\_\_\_  
(талабанинг Ф.И.Ш.)

Илмий раҳбар: \_\_\_\_\_  
(илмий даражаси, унвони)  
\_\_\_\_\_  
(фамилияси, исми, шарифи)

САМАРҚАНД – 2010

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш.....</b>	<b>3</b>
<b>I. «Мутахассисликка кириш» фанининг мазмуни, аҳамияти ва касбий маҳоратнинг шаклланишида тутган ўрни.....</b>	<b>5</b>
<b>II. «Мутахассисликка кириш» фанини ўқитиш шакллари ва технологияси.....</b>	<b>6</b>
<b>III. Талабалар мустақил ишларининг мазмуни, аҳамияти ва вазифалари.....</b>	<b>10</b>
<b>IV. Талаба мустақил ишининг ташкилий шакллари.....</b>	<b>10</b>
<b>V. «Мутахассисликка кириш» фани бўйича мустақил ишни бажариш тартиби.....</b>	<b>11</b>
<b>VI. Мустақил ишни бажаришнинг ахборот манбалари.....</b>	<b>13</b>
<b>VII. Талабалар мустақил ишини назорат қилиш ва баҳолашнинг услубий асослари.....</b>	<b>14</b>
<b>Меъёрий ҳужжатлар ва адабиётлар.....</b>	<b>16</b>

**ҲАСАН МУСАЕВ**

**«МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ»**

**ФАНИДАН МУСТАҚИЛ ИШЛАРНИ БАЖАРИШ  
БЎЙИЧА**

**УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР**

**Самарқанд шаҳар,  
Самарқанд иқтисодиёт  
ва сервис институти  
босмахонаси.  
Шохруҳ кўчаси, 60**

**Буюртма №\_\_\_\_  
Қоғоз бичими: 60/84  
Ҳажми 1,6 б.т.  
Адади 30 дона.**

